I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йил январь-сентябрь ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 9 334,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 179,2 % ни ташкил этди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, %да



Ҳудудлар кесимида киритилган инвестициялар ҳажми

(2019 йил январь-сентябрь)

	инвестиция ҳажми		***Аҳоли жон боши, (минг. сўм)***
	Млрд. сўм	***2018 йил январь-сентябрьь ойларига нисбатан ўсиш суръати, % да***	
Вилоят жами	**9 334,8**	**179,2**	**3 364,9**
Наманган ш.	2 126,2	142,2	3 443,8
Мингбулоқ	300,9	134,9	2 424,7
Косонсой	408,2	134,5	1 985,4
Наманган т	636,2	177,1	3 612,7
Норин	254,7	247,4	1 578,1
Поп	493,2	218,9	2 278,1
Тўрақўрғон	3 188,1	200,8	14 335,0
Уйчи	380,7	278,0	1 818,1
Учқўрғон	403,3	101,4	2 380,8
Чортоқ	231,6	170,1	1 181,6
Чуст	487,5	356,0	1 864,2
Янгиқўрғон	424,2	388,3	1 978,5

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 56,9 % и вилоятнинг иккита ҳудудида, жумладан, Тўрақўрғон туманида - 34,1%, Наманган шаҳрида - 22,8 % ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Тўрақўрғон туманида ўтган йилга нисбатан 1,7 м. (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 1 765,3 млрд. сўм), Поп туманида - 2,2 м. (291,3 млрд.сўм), Учқўрғон туманида - 101,0 % (47 млрд. сўм), Чуст туманида - 3,6 м. (364,8 млрд. сўм), Косонсой туманида - 134,5 % (136,2 млрд. сўм), Чортоқ туманида - 170,1 % (109 млрд. сўм), Наманган туманида - 177,1 % (314,2 млрд. сўм), Уйчи туманида – 2,8 м. (258 млрд. сўм), Янгиқўрғон туманида - 3,2 м. (326,3 млрд. сўм) ва Наманган шаҳрида - 142,2 % (786,7 млрд. сўм).

2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Тўрақўрғон туманида – 14 335 минг сўм (ёки 2018 йилга нисбатан 195,2 %), мос равишда Наманган туманида – 3 612 минг сўм (171,9 %), Наманган шахрида - 3443,8 минг сўм (ёки 138,3 %), Мингбулоқ туманида – 2 424,7 минг сўм (ёки 131,2 %), Поп туманида – 2 278,1 минг сўм (213,5 %), Косонсой туманида – 1 985,4 минг сўм (130,7 %), Учқўрғон туманида – 2 380 минг сўм (98,9 %), Чуст туманида – 1 864,2 минг сўм (347,0 %), Норин туманида –
1 578,1 минг сўм (241,4 %), Уйчи туманида – 1 818,1 минг сўм
(270,1 %), Янгиқўрғон туманида – 1 978,5 минг сўм (377,9 %) ва Чортоқ туманида – 1 181,6 минг сўм (165,6 %) қайд этилди.

2019 йилнинг январь-сентябрида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбаалари бўйича тақсимланиши

	Млрд. сўм	*Ўсиш суръати, % да*	*Жамига нисбатан, % да*
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	**9 334,8**	**179,2**	**100,0**
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар	**3 271,5**	**187,3**	**35,0**
бюджет маблағлари	513,6	3,8 м.	5,5
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш	58,8	-	0,6
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	1 021,7	-	10,9
ҳукумат кафолати остида чет эл инвестициялар ва кредитлари	1 677,4	107,2	18,0
Марказлашмаган инвестициялар	**6 063,3**	**184,2**	**65,0**
корхоналарнинг ўз маблағлари	2 000,5	2,0 м.	21,4
аҳоли маблағлари	994,5	168,0	10,7
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция хамда кредитлар	1 783,4	5,2 м.	19,1
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1 080,8	101,3	11,6
Бошқа маблағлар	204,1	-	2,2

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, *% да*



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2018 йилга нисбатан 187,3 % ёки 3 271,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 35,0 % и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 47,5 % пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6 063,3 млрд. сўм ёки 184,2 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари *(фоизда)*



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

(2019 йил январь-сентябрьь ойларида)

	Жами инвестициялар млрд. сўм	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича (млрд. сўм)					
		Республика бюджети	Корхоналар (махаллий бюджет)	Аҳоли маблағи	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Чет эл инвестиция-лари ва кредитлари	Бюджетдан ташкари фондлар маблаглари
Вилоят жами	9 334,8	513,7	2 204,7	994,5	1 080,7	3 460,7	1 080,5
Наманган ш.	2 126,2	216,2	709,9	136,9	317,9	744,9	0,4
Мингбулоқ	300,9	24,2	158	57,3	6,1	0	55,3
Косонсой	408,2	21,4	100,6	95,6	99,6	90,8	0,2
Наманган т	636,2	26,5	275,5	66,7	118,4	148,6	0,5
Норин	254,7	11,6	39,3	53,5	25,7	124,3	0,3
Поп	493,2	50,7	154,7	87,8	36,4	163,0	0,6
Тўрақўрғон	3 188,1	45,6	245,6	77,5	255,9	1 541,8	1 021,7
Уйчи	380,7	31,9	101,3	79,3	16,6	151,3	0,3
Учқўрғон	403,3	23,4	181,3	76,5	40,0	82,1	0,01
Чортоқ	231,6	17,9	57,8	89,6	29,4	36,8	0,1
Чуст	487,5	28,9	65,5	97,0	105,0	190,1	1,0
Янгиқўрғон	424,2	15,4	115,2	76,8	29,7	187	0,1

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби
(2019 йил январь-сентябрь)

	жами	*Давлат*	*Нодавлат*
Жами, *млрд. сўм*	**9 334 820,5**	262 483,2	9 072 337,3
шу жумладан:			
Қурилиш-монтаж ишлари	**2 812 005,2**	91 033,8	2 720 971,4
Машина, ускуна ва инвентар	**6 090 946,0**	133 509,0	5 957 437,0
Бошқа ҳаражатлар	**431 869,3**	37 940,4	393 928,9

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида: вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 30,1% ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 65,2 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 4,7 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби улуши
(2019 йил январь-сентябрь ойларида, % да)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 2,5 % пунктга купайди, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 3,8 марта кўпайган ҳамда бошқа ҳаражатларнинг улуши эса 2,1 мартага кўпайган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар

	Млрд. сўм	*жамига нисбатан, % да*
		2019 йил январь-сентябрь ойлари
Асосий капиталга инвестициялар - жами	**9 334,8**	**100,0**
Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	898,6	9,6
Тоғ кон саноати	217,8	2,3
Ишлаб чиқариш саноати	2 129,0	22,8
Электр газ буг ва хавони тозалаш	2 551,0	27,3
Сув таъминоти ва канализация	152,4	1,6
Қурилиш	162,0	1,7
Улгуржи ва чакана савдо	427,0	4,6
Ташиш ва сақлаш	471,2	5,0
турар жой ва овқатланиш хизматлари	8,0	0,2
Ахборот ва аълоқа	127,0	1,4
Молия ва суғурта	31,3	0,3
Кўчмас мулк	246,7	2,6
Касбий илмий ва техник фаолият	75,1	0,8

	Млрд. сўм	жамига нисбатан, % да
		2019 йил январь-сентябрь ойлари
Менежмент ва ёрдамчи фаолият	103,3	1,1
Давлат бошқаруви ва мудофаа	87,5	0,9
Таълим	259,9	2,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	186,5	2
Санъат ва дам олиш	55,2	0,6
Бошқа турдаги хизматлар	99,8	1,2
Уй-жой қурилиш	1045,5	11,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 898,6 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 9,6 %), Тоғ кон саноати 217,8 млрд.сўм (2,3 %), Ишлаб чиқариш саноати 2 129,0 млрд.сўм (22,8 %), Электр, газ, буғ ва хавони тозалаш 2 551,0 млрд.сўм (27,3 %), Сув таъминоти ва канализация 152,4 млрд.сўм (1,6 %), қурилиш фаолияти турида 162,0 млрд.сўм (1,7 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 471,2 млрд.сўм (5,0 %), улгуржи ва чакана савдо 427,0 млрд.сўм (4,6 %), турар жой ва овқатланиш хизматлари 8,0 млрд.сўм (0,2 %), ахборот ва аълоқа 127 млрд.сўм (1,4 %), молия ва суғурта 31,3 млрд.сўм (0,3 %), Кўчмас мулк 246,7 млрд.сўм (2,6 %), касбий илмий ва техник фаолият 75,1 млрд.сўм (0,8 %), менежмент ва ёрдамчи фаолият 103,3 млрд.сўм (1,1 %) Давлат бошқаруви ва мудофаа 87,5 млрд.сўм (0,9 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар 186,5 млрд.сўм (2,0 %), таълим соҳасида 259,9 млрд.сўм (2,8 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1 045,5 млрд.сўм (11,2 %), санъат ва дам олиш 55,2 млрд.сўм (0,6 %) ва бошқа турдаги хизматлар эса 99,8 млрд.сўм (1,2 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Наманган вилоятида 2019 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларни секторлар бўйича улуши *(фоизда)*

Асосий капиталда чет-эл инвестициялари ва кредитлари
(2019 йил январь-сентябрьь ойлари млрд.сўмда)

	Жами хорижий инвести-циялар ва кредит-лар млрд. сўм	шундан:		Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвес-тицияларр ҳамда кредит-лар	шундан:	
		Инвес-тиция	кредит		Инвес-тиция	кредит
Наманган вилояти	**1 783,4**	**850,1**	**410,2**	**523,1**	**523,1**	**-**
Наманган ш.	522,7	54,7	179,6	288,4	288,4	-
туманлар:						
Мингбулоқ	0	-	0,0	0,0	0,0	-

Косонсой	90,8	51,7	0,0	42,1	42,1	-
Наманган	148,6	34,5	85,6	17	17	-
Норин	124,3	8,3	108,8	103,8	103,8	-
Поп	126,1	125,8	0,0	87,5	87,5	-
Тўрақўрғон	173,6	112,1	24,8	130,2	130,2	-
Уйчи	151,3	98,0	8,6	28	28	-
Учқўрғон	32,1	27,2	0,0	36,2	36,2	-
Чортоқ	36,8	36,5	0,0	31,8	31,8	-
Чуст	190,1	136,7	0,0	136,5	136,5	-
Янгиқўрғон	187	164,6	2,8	176,7	176,7	-

Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида бир қанча инвестиция лойихалари амалга оширилди.

Бунда энг кўп инвестиция киритган лойихачи корхона Тўрақўрғон тумунига қарашли Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қуриш дирекцияси унитар корхонаси бўлиб, 119,9 млн. АҚШ доллари миқдорида машина ва асбоб ускуналар келтирилган. Шу билан бирга Поп туманида Поп цемент корхонаси 10,3 млн. АҚШ доллар чет эл инвестицияси киритилган.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

2019 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 865,3 минг кв.м. бўлган 6 852 та хонадон, шу жумладан қишлоқ жойларида 594,6 минг кв.м 4 578 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 243,3 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди, бу 2018 йил январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 3,3 маротаба ошди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш
(2019 йил январь-сентябрь)

	Ишга туширилди	
	жами	*жумладан қишлоқ жойларда*
Турар жойлар умумий майдони, *минг кв.м.*	**865,3**	**594,6**
улардан: якка тартибдаги турар жойлар	769,9	520,2
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	95,4	74,4
Касалхоналар, *ётоқ*	-	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), *қатнов*	300	300
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, (*ўқувчи ўрни)*	3 080	1 960
Сув тармоғи, *км*	243,3	192,8
Газ тармоғи, *км*	4,2	-

2019 йилнинг январь-сентябрьида ишга туширилган турар жойлар

	Ишга туширилди, жами		*Улардан: якка тартибдаги турар жойлар*
	минг кв.м	*2019 йил январь-сентябрь % да*	*минг кв.м*
Наманган вилояти	**865,3**	**100,0**	**769,9**
туманлар:			
Наманган ш.	90,1	10,4	69,1

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар
	минг кв.м	2019 йил январь-сентябрь % да	минг кв.м
Мингбулоқ	53,7	6,2	49,7
Косонсой	89,8	10,4	81,2
Наманган	54,4	6,3	50,7
Норин	43,2	5,0	40,7
Поп	77,9	9,0	74,8
Тўрақўрғон	62,3	7,2	55,4
Уйчи	76,9	8,9	71,3
Учқўрғон	71,7	8,3	65,5
Чортоқ	84,6	9,8	81,1
Чуст	86,8	10,0	70,1
Янгиқўрғон	73,9	8,5	60,3

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажмини салмоқли ҳиссаси қуйидаги шаҳар ва туманларда кузатилди, Хусусан, Наманган шаҳри 557 млрд.сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36,1 % га ўсди, Косонсой туманида 218,4 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34,3 % га ўсди, Поп туманида 176,4 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31,1 % га ўсди, Уйчи туманида 249,6 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига

нисбатан 33,4 % га ўсди. Чуст туманида 152,4 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43,2 % га ўсди, Учқўрғон туманида 180,3 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,6 % га ўсди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

	2018 йил январь-сентябрь (млрд.сўм)	*2019 йил январь-сентябрь (млрд.сўм)*	*Ўтган йилга нисбатан, (%) да*	*Жамига нисбатан улуши, (%) да*
Вилоят бўйича жами:	**1 613,1**	**2 384,2**	**135,8**	**100,0**
Наманган шаҳар	372,7	557,0	136,1	23,3
Мингбулоқ	70,6	109,8	143,9	4,6
Косонсой	149,8	218,4	134,3	9,2
Наманган	134,3	220,1	149,7	9,2
Норин	75,8	89,0	108,7	3,7
Поп	124,3	176,4	131,1	7,4
Тўрақўрғон	97,1	154,7	146,6	6,5
Уйчи	171,3	249,6	133,4	10,5
Учқўрғон	133,1	180,3	124,6	7,6
Чортоқ	106,7	151,9	132,3	6,4
Чуст	98,6	152,4	143,2	6,4
Янгиқўрғон	78,8	124,6	146,8	5,2

2019 йил январь-сентябрь ойларида 2 384,2 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 135,8 % ни ташкил этди.

Ахоли жон бошига қурилиш ишлари хажми *(минг сўм)*



Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	Январь-сентябрь	
	2018 йил	***2019 йил***
Қурилиш ишлари, *млрд. сўм*	**1 613,1**	**2 384,2**
шу жумладан:		
давлат	113,1	137,0
нодавлат	1 500,0	2 247,2

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2 247,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,3 % ни ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари хажми

(2019 йил январь-сентябрь ойларида, млрд.сўм)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,9 %и бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 9,2 %и фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 18,9 %и ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 81,7 %и янги қурилиш ҳажмига тўғри келади.

Наманган вилоятида 2019 йил январь-сентябрь ойларида секторлар кесимида қурилиш ишлари ҳажмлари кўрсаткичлари

Йирик пудрат ташкилотлари	• ҳажми - **108,3 млрд.сўм** • ўсиш суръати -**127,7 %**
Кичик ташкилотлар ва микрофирмалар	• ҳажми- **1 519,8 млрд.сўм** • ўсиш суръати- **143,1%**
Норасмий сектор	• ҳажми - **756,1 млрд.сўм** • ўсиш суръати - **124,9%**

Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми улуши 1,1 % ни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,1 % пунктга ортди.

Бунда кичик ташкилотлар ва микро фирмалар улуши 54,6 % (7,9 % пунктга кўпайиш) ва норасмий секторнинг улуши 44,3 % ни (8,0 % пунктга камайиш) ташкил этди.

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2 247,2 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 94,3 % ни ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 % пунктга кўпайди.

Туманлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати

(2019 йил январь-сентябрь)



Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Наманган шаҳрида бажарилган бўлиб, вилоятда бажарилган жами қурилиш ишларининг 23,3 % ни ташкил этди, Наманган туманида 5,6 % ни, Уйчи туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 7,2 % ни, ташкил этди.

Вилоятда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши бўйича паст кўрсаткичлар: Норин туманида бу кўрсаткич энг паст 3,7 % ни ташкил этди. Шунингдек, Мингбулоқ туманида ушбу кўрсаткич 4,6 % ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

Қурилиш ишлари мавсумининг бошланиши билан ҳудудларда бажариладиган қурилиш ишларининг ҳажми ортиб, уларнинг вилоятдаги улуши ҳам ўзгариб боради.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида қурилиш ишлари умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши

(умумий ҳажмга нисбатан % да)